

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КИТОБХОНЛИК ВОСИТАСИДА КРЕАТИВ ЎҚИШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШ

Шомансурова Наргиза Эркиновна

Тошкент шаҳар Шойхонтохур туманидаги 320-мактаб ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.1043113>

Аннотация. Уибӯ мақолада бошлангич синф ўқувчиларини китобхонлик воситасида креатив ўқииш маданиятини шакллантириши ҳақида малумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: китобхонлик, креатив ўқииш маданиятини шакллантириши, бадий адабиётга қизиқши уйғотиш.

FORMATION OF CREATIVE READING CULTURE OF ELEMENTARY SCHOOL STUDENTS THROUGH READING

Abstract. This article provides information on the formation of creative reading culture of elementary school students through reading.

Key words: reading, formation of creative reading culture, interest in fiction.

ФОРМИРОВАНИЕ ТВОРЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ ЧТЕНИЯ УЧАЩИХСЯ МЛАДШИХ КЛАССОВ ЧЕРЕЗ ЧТЕНИЕ.

Аннотация. В данной статье представлена информация о формировании творческой культуры чтения у учащихся младших классов посредством чтения.

Ключевые слова: чтение, формирование творческой культуры чтения, интерес к художественной литературе.

Бугунги кунда шахс имкониятларини кенгайтиришнинг қўплаб йўналишлари ва воситалари мавжуд. Бундай воситалар биринчи навбатда ҳар бир инсоннинг билиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиласди. Китоб ва китобхонликка бўлган қизиқиш шахс фаолиятининг самарали кечишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам китобхонлик воситасида ўқувчиларда бадий адабиётга нисбатан қизиқиши шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Қизиқиш - 1) обьект ёки ҳодисани англаш ва бирор фаолият турини ўзлаштиришга мойиллик; 2) ўқувчи ёки талабанинг ўзи учун қимматли ва ёқимли бўлган муайян нарса ва ҳодисага муносабати .

Қизиқишиларда шахснинг ўзига хос хусусиятлари мужассамлашган бўлади. Қизиқиш билимларни онгли, пухта, барқарор, англаган ҳолда ўзлаштиришга кўмаклашади. Қизиқиш инсонда интилиш, фаоллик, ички туртки, эҳтиёжни шакллантиришга хизмат қиласди. Қизиқиш шахснинг борлиққа танлаб муносабатда бўлиши, ўзига хос қарор қабул қилиши, ўзини ўзи назорат эта билиши, мақсадга интилувчанлигига, юзага келган тўсиқларни енгишида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда бошлангич синфлардан бошлаб у ёки бу ҳодисага нисбатан қизиқиш уйғотиш алоҳида аҳамиятга эга. Қизиқиш туфайли ўқувчилар муайян обьектни чуқурроқ ўзлаштиришга интиладилар. У ҳақидаги билимларни алоҳида интилиш билан ўзлаштиришга киришадилар.

Бошлангич синф ўқувчиларида бадий адабиётга қизиқиш уйғотиш орқали инсоният ақл-идрокининг нодир намуналарида ифодаланган билимлар ва ҳаётий тажрибаларни

ўрганишларига кенгрөқ шароит яратилади. Ўқувчиларда бадий адабиётга нисбатан қизиқиш уйғотишда китобхонлик асосий восита сифатида хизмат қиласи.

Ўқувчиларда бадий адабиётта қизиқиш уйғотишда таълим жараёни асосий ўрин эгаллайди. Таълим жараёни олдига шахсни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш вазифаси қўйилган бугунги кунда ўқувчиларда китоблар ёрдамида бадий адабиётта қизиқиш уйғотиши ижтимоий-педагогик заруриятга айланмоқда. Китоб ўқиши орқали ўқувчилар ўз билимларини мунтазам такомиллаштиришга муваффақ бўладилар. Ахборот технологиялари ва ахборот олиш манбаларининг кўпайғанлиги туфайли ўқувчилар китобга тобора камроқ мурожаат қилмоқдалар. Ўқувчилар билан ўзаро муносабатга киришишнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчилар уларда бадий адабиётта нисбатан қизиқиш уйғотишилари лозим. Айнан бошланғич синфларда бадий адабиётта нисбатан ўқувчиларда шаклланган қизиқишлар барқарор бўлиб, бутун ҳаёти давомида мустаҳкамланиб боради.

Мухим жиҳатлардан яна бири ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнларини ҳаётий вазиятларга яқинлаштиришдан иборат. Ўқув жараёнини ҳаётий вазиятларга яқинлаштиришда бадий адабиёт намуналари мухим ўрин эгаллайди. Ўқув жараёнини ҳаётий вазиятларга яқинлаштириш ўқувчиларда муайян ҳодисаларга нисбатан қизиқиш уйғотади. Педагоглар ўқувчиларда қизиқиш уйғотиши орқали уларни аниқ бир фаолиятга кенгрөқ жалб этиш мумкинлигини англаб этишлари лозим.

Ҳар бир шахс ўзини ўраб турган борлиққа нисбатан шахсий муносабат тажрибасига эга. Худди мана шу муносабат уни муайян вазиятларга олиб киради ва маълум нарсаларни ўрганишга нисбатан қизиқиши, эҳтиёж ва истакни вужудга келтиради.

Билишга оид қизиқишлар ўқув жараёнининг динамик ривожланишини таъминлашга кўмаклашади. У ўқувчиларнинг фаол тарзда ўқув-билув фаолиятини ўзлаштиришларига ёрдам беради. Билишга оид қизиқишлар ўқувчиларда ташаббускорликни таркиб топтиради. Бу жараёнда ўқувчининг ўзи янги билимларни ўзлаштириш усулларини излаб топади. Натижада таълим, тарбия ва ривожланишнинг самарадорлиги ортади. Фаол бўлмаган ва хеч нарсага қизиқмайдиган ўқувчиларга ўқитувчилар кучли таъсир ўтказиб, уларнинг билишга оид қизиқишларини муайян мақсадга йўналтиришлари керак.

Қизиқишлар ўқувчиларда ёрқин ҳис-туйғуларни вужудга келтириш имкониятига эга. Ўқувчилар ўз қизиқишларини қондириш учун объектив борлиқни чуқурроқ ўрганишлари, унинг ўзига хос жиҳатларини англаб этишлари талаб қилинади. Ўқувчиларнинг қизиқишлари қондирилиши натижасида уларда қувонч ҳисси, кўпроқ билишга интилиш майллари кучаяди. Агар ўқувчилар ўзлари қизиқсан муайян нарсани ўргана олмасалар уларда салбий ҳис-туйғулар, ўз кучларига ишонмаслик вужудга келади. Билишга оид қизиқишлар ўқишининг асосий мотивларидан бири ҳисобланади. Буни ўқувчилар бошқалардан кўра кўпроқ ҳис этадилар. Бу ўқувчилар ўзлари учун нима қизиқарлию, нима қизиқарли эмаслигини аниқлаб олган вақтларидан бошланади. Бундай нарсалар сирасига дарс, ўқув предмети ёки муайян китобларни киритиш мумкин.

Ўқувчилар учун билишга оид қизиқишлар ўқиши мотивлари сифатида уларни мазкур объектларни билишга ундейди. Мазкур ўринда ўқитувчилар уларга тўсқинлик қила олмайдилар, чунки бу ўқувчиларнинг шахсий қизиқишлари билан боғлиқ. Бу ўқувчилар фаолиятининг асосий мақсадини ифодалаб, ўқув жараёнининг осон, самарали, ёрқин, ҳис-

туйғуларга бой бўлишини таъминлаб уларнинг дарсларда толиқмасликларига асос яратади. Билишга оид қизиқишилар ўқув фаолиятининг турли майллари билан ўзаро алоқадор бўлиб, ўқувчи дунёқарашини ҳар томонлама бойитишга кўмаклашади. Ушбу қизиқишилар бирбирига мос келмаса, ўқувчиларнинг ривожланиш жараёнлари секин кечади. Ўқувчиларда муайян ҳодисаларга нисбатан қизиқишининг шаклланиши натижасида уларда ўқув жараёнига нисбатан онгли муносабат ҳосил бўлади. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг ўз шахсий ўқув-билув фаолиятларини бошқаришлари, қўйилган мақсадга эришиш йўллари ва мақсадларини аниқ англаб олишларига кўмаклашади. Шу билан бир қаторда ўзлари қизиқкан соҳадаги билим, кўникма, малакаларининг мунтазам бойишини таъминлайди.

Ўқувчиларда билишга оид қизиқишиларни шакллантириш ўқитувчи зиммасидаги мураккаб вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун педагог ўқув жараёнини ўқувчиларда билиш қизиқишиларини шакллантиришга йўналтирган ҳолда ташкил этиши лозим. Бу жараёнда ўқувчи мунтазам тарзда ўқув материалларига қизиқиши, ўз-ўзини ривожлантириши, ўзлаштирган билимларининг йўналиши ва соҳаларини кенгайтириши мақсадга мувофиқ. Ўқувчилар ўқув жараёнида туғилган муаммоларни ечишга ўз шахсий ҳиссаларини қўшишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мақсадга эришиш учун ўқитувчи педагогик жараёнда вужудга келадиган кўплаб муаммоларни бартараф этиши, дарсни ташкил этишнинг энг яхши усулларини танлаши талаб этилади. Бунинг учун ўқитувчи зарур ўқув материалларини танлайди, ўқувчиларда мустақилликни шакллантиришга оид турли ёндашувларни таҳлил қиласди, таълим мақсадига эришилганлик натижасини аниқлайди.

Бугунги кунда шахс имкониятларини кенгайтиришнинг кўплаб йўналишлари ва воситалари мавжуд. Бундай воситалар биринчи навбатда ҳар бир инсоннинг билиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиласди. Китоб ва китобхонликка бўлган қизиқиши шахс фаолиятининг самарали кечишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам китобхонлик воситасида ўқувчиларда бадиий адабиётга нисбатан қизиқиши шакллантириш алоҳида аҳамиятта эга.

Қизиқиш - 1) обьект ёки ҳодисани англаш ва бирор фаолият турини ўзлаштиришга мойиллик; 2) ўқувчи ёки талабанинг ўзи учун қимматли ва ёқимли бўлган муайян нарса ва ҳодисага муносабати.

Қизиқишиларда шахснинг ўзига ҳос хусусиятлари мужассамлашган бўлади. Қизиқиш билимларни онгли, пухта, барқарор, англаган ҳолда ўзлаштиришга кўмаклашади. Қизиқиш инсонда интилиш, фаоллик, ички туртки, эҳтиёжни шакллантиришга хизмат қиласди. Қизиқиши шахснинг борлиққа танлаб муносабатда бўлиши, ўзига ҳос қарор қабул қилиши, ўзини ўзи назорат эта билиши, мақсадга интилувчанлигига, юзага келган тўсикларни енгишида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда бошланғич синфлардан бошлаб у ёки бу ҳодисага нисбатан қизиқиш уйғотиш алоҳида аҳамиятга эга. Қизиқиш туфайли ўқувчилар муайян обьектни чуқурроқ ўзлаштиришга интиладилар. У ҳақидаги билимларни алоҳида интилиш билан ўзлаштиришга киришадилар.

Бошланғич синф ўқувчиларида бадиий адабиётга қизиқиш уйғотиш орқали инсоният ақл-идрокининг нодир намуналарида ифодаланган билимлар ва ҳаётий тажрибаларни

ўрганишларига кенгроқ шароит яратилади. Ўқувчиларда бадий адабиётга нисбатан қизиқиш уйғотишда китобхонлик асосий восита сифатида хизмат қиласи.

Ўқувчиларда бадий адабиётга қизиқиш уйғотишда таълим жараёни асосий ўрин эгаллайди. Таълим жараёни олдига шахсни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш вазифаси қўйилган бугунги кунда ўқувчиларда китоблар ёрдамида бадий адабиётга қизиқиш уйғотиши ижтимоий-педагогик заруриятга айланмоқда. Китоб ўқиши орқали ўқувчилар ўз билимларини мунтазам такомиллаштиришга муваффақ бўладилар. Ахборот технологиялари ва ахборот олиш манбаларининг кўпайғанлиги туфайли ўқувчилар китобга тобора камроқ мурожаат қилмоқдалар. Ўқувчилар билан ўзаро муносабатга киришишнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчилар уларда бадий адабиётга нисбатан қизиқиш уйғотишилари лозим. Айнан бошланғич синфларда бадий адабиётга нисбатан ўқувчиларда шаклланган қизиқишлар барқарор бўлиб, бутун ҳаёти давомида мустаҳкамланиб боради.

Ҳар қандай ҳаракатнинг асосини ички ва ташқи сабаблар ташкил этади. Бунда ҳаракат субъективнинг психологик хусусиятлари устувор аҳамиятга эга. Муҳим жиҳатлардан бири инсон фаолияти ташқи шарт-шароитлар ва ҳолатлар билан боғлиқлигидадир. Биринчи ҳолатда мотивлар, эҳтиёжлар, мақсадлар, режалар, истаклар, қизиқишлар ҳақида фикр юритилади. Иккинчи ҳолатда эса йўналтирувчи кучлар, вужудга келадиган ва мавжуд вазиятлар назарда тутилади.

Инсон айни бир вазиятни турлича қабул қилиши мумкин. Бу мотивацияни цикли жараён сифатида талқин этишга сабаб бўлади. Маълумки, ҳаракат субъекти ва вазиятлар бир-бирига таъсир кўрсатади. Ушбу таъсирнинг натижаси эса аниқ кузатилган хулқ-атвор кўринишларидир. Ушбу жараёнда мотивация узлуксиз танлов ва хулқ-атворга таянган ҳолда қарорлар қабул қилиш имконини берадиган ҳодиса сифатида намоён бўлади. Мотивлар ҳаракатнинг мақсадга йўналғанлиги, фаолиятнинг ташкил этилғанлиги ва барқарорлигини таъминлайди. Мазкур фаолият муайян мақсадга эришишга йўналтирилади.

Мотивация мотив атамасидан кўра кенгроқ моҳият касб этади. Замонавий педагогика ва психологияда мотивация тушунчаси 2 маънода қўлланади. Биринчи маъноси омиллар тизимини ифодалаб, хулқ-атворни аниқловчи бирлик сифатида намоён бўлади. Иккинчиси муайян даражада шахснинг хулқ-атворидаги фаолликни қўллаб-қувватлайди ва йўналтиради.

Мотивация ҳақидаги тасаввурлар хулқ-атворда эмас, балки изоҳларни ёзиш жараёнида вужудга келади. Бу изланишлар нега, нима учун, қандай мақсадда, нима ҳисобига, қандай маънога эга каби саволларга жавоб топиш мақсадини назарда тутади. Барқарор ҳарактерга эга бўлган хулқ-атвордаги ижобий ўзгаришларнинг сабабини топиш ва тасвирлаш шахснинг хатти-ҳаракатларини ўзида мужассамлаштирувчи мотивациялар ҳақидаги саволларга жавоб топиш имконини беради.

Мотив мотивациядан шу билан фарқланадики, унда шахснинг хулқ-атворига хос бўлган хусусиятлар унинг барқарор ўзига хос жиҳатларини намоён этади. Муайян ҳаракатларини такомиллаштириш учун шахсга ички туртки беради. Мотивларни тушунча сифатида аниқлаш мумкин. Улар умумлашган ҳолда қўплаб ҳаракатларнинг позициясини ифодалайди.

Бундай кўрсаткичларнинг энг муҳими шахснинг эҳтиёжларидир. Эҳтиёжлар шахснинг муайян зарурияти хисобланади. Эҳтиёжлар шахснинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун етишмайдиган нарсаларни эгаллашга бўлган интилишини намоён этади, унга нисбатан қизиқишини вужудга келтиради. Эҳтиёжлар инсоннинг зарурияти сифатида унинг муайян даражадаги қониқмаслигини намоён этади.

Инсонда қўплаб эҳтиёжлар қаторида ижтимоий, моддий, маънавий эҳтиёжлар ҳам мавжуд. Маънавий эҳтиёжлар инсонларнинг бир-бири билан ўзаро муносабати ва мулоқотга бўлган эҳтиёжини англатади. Инсонлар бир-биридан эҳтиёжларининг турли-туманлиги ва мазкур эҳтиёжларнинг ўзаро уйғунлашуви билан фарқланадилар. Эҳтиёжнинг асосий хусусияти вужудга келишининг даврийлиги ва қондириш усусларида ўз ифодасини топади. Инсонлардаги эҳтиёжларнинг мазмуни предметлар билан боғлиқлигидадир. Ушбу предметлар моддий, маънавий маданият объектлари ҳисобланади. Улар ёрдамида инсоннинг эҳтиёжлари қондирилади. Ўқишга бўлган эҳтиёжни бадиий адабиёт намуналари қондиради.

Мотивацион жараённинг иккинчи муҳим позицияси мақсад ҳисобланади. Унинг асосини ҳаракат йўналтирилган натижа ташкил этади. Мақсад фаоллашган эҳтиёжни фаолият билан боғлаш имконини беради. Ўқишнинг мақсади ҳам турли-тумандир. Инсонлар имтиҳонга тайёрланиш ёки бадиий асарга қизиқишилари туфайли китоб ўқийдилар.

Мақсадлар ва эҳтиёжлар инсондаги мотивациялар соҳасининг асосини ташкил этади. Эҳтиёжлар ва мақсадлар билан бир қаторда инсонни муайян ҳаракатга йўлловчи воситалардан бири унинг қизиқишилари ҳисобланади. Топшириқлар, истаклар, режалар ҳам мотивлар соҳасининг таркибий қисмларини ташкил этади.

Қизиқишилар билиш жараённинг асосий мотивацион кўрсаткичидир. Қизиқишилар муайян эҳтиёж билан тўғридан-тўғри боғланмайди. Қизиқишилар фаолиятнинг алоҳида тури билан мувофиқ келиб, бундай қизиқишилар йўналтирувчи тадқиқотчилик характеристига эга. Истаклар ва режалар муайян вақт мобайнида ҳосил бўлувчи ва бири иккинчиси билан тез-тез ўрин алмашувчи мотивлар соҳасининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Улар муайян шароит ва ҳаракатларнинг бажарилишига кўра ўзгариб туради.

Психологларнинг таъбирича, ўқиш дарсларининг мазмуни ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келиши лозим. Бошланғич синф ўқувчиларида бадиий адабиёт намуналариға қизиқишини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчиларда бадиий асарларни ўқишга нисбатан мотивацияни шакллантириш таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади. У замонавий таълимнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ўқитувчилар ўқувчиларни бадиий адабиёт намуналариға қизиқтириш билан бир қаторда улар шахсиятини ривожлантириш воситаларини ҳам аниқ белгилаб олишлари лозим. Ўқувчиларни бадиий адабиёт намуналариға қизиқтириш орқали уларда идеаллар, дунёқарашга асосланган қадриятлар тизимини шакллантириш имконияти вужудга келади. Бу ўқувчиларнинг фаол ҳаётий нуқтаи назарни эгаллашлари, ўз эҳтиёжлари билан қизиқишиларини онгли тарзда мувофиқлаштиришларига кўмаклашади.

Ўқитувчининг вазифаларидан бири ўқувчиларнинг нима учун китоб ўқишни хоҳламасликларини аниқлашдан иборат. Шундагина педагоглар ўқувчиларда ўқиш мотивациясининг қачон ва қандай ҳосил бўлишини аниқлашга эришадилар.

Ўқувчиларда бадий асарларни ўқишга бўлган қизиқишнинг пасайишини бир қатор сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

- Оммавий ахборот воситалари таъсирининг кучайиши, ўқувчиларнинг соатлаб телевизор ва компьютер қаршисида ўтиришлари;

- Фарзанд тарбиясига бефарқ оиласлар сонининг кўпайиши, уларда фарзандларнинг маънавий-ахлоқий, интеллектуал ривожланишига эътибор қаратилмаслиги;

Катталарнинг болалар билан биргаликда китоб ўқишга бўлган интилишларининг тўлиқ намоён бўлмаслиги, 1-синфга қадам қўйган ўқувчиларга катталар томонидан китобларнинг ўқиб берилмаслиги, ранг-баранг бадий асарлар билан ўқувчиларни танишириш йўналишидаги фаолиятнинг мавжуд эмаслиги, катталарнинг ўқишни билганидан кейин ўзи ўқиши керак қабилида иш тутишлари ва ҳ.к.

Бадий асарларни ўқишга бўлган қизиқишнинг намоён бўлмаслиги болаларнинг кун бўйи ёлғиз қолиб, ота-оналарини кутишлари, зерикишлари, улар қачон келади деган ҳадикда яшашлари билан ҳам изоҳланади. Бундай ҳолат 7-10 ёшли ўқувчиларни бефарқликка олиб келади. Уларда нафақат бадий адабиёт намуналарини ўқишга балки бошқа фаолият турларига нисбатан ҳам қизиқиш сусаяди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни муайян фаолиятга қизиқтириш учун уларнинг фантазия қилишлари, муайян расмлар чизишлари, ижодий ёндашган ҳолда турли буюмларни ясашлари учун қулай шароит яратиш лозим.

Бошлангич синф ўқувчиларида бадий адабиёт намуналарига нисбатан қизиқиши шакллантириш учун дастлаб уларда ўқиш мотивларини ҳосил қилиш мухим аҳамиятга эга. Чунки мотивлар фаолият манбай бўлиб, ўқувчиларда муайян ҳаракатларни амалга ошириш эҳтиёжини вужудга келтиради ва қизиқишларнинг қўзғатувчиси ҳисобланади. Кичик мактаб ёши бадий асарларга қизиқиш уйғотиш, ўқувчиларда уларни ўқиш истагини вужудга келтириш учун қулай давр ҳисобланади.

Ўқитувчи нутқининг бадийлиги ва ҳис-туйғуларга бойлиги ўқувчиларда бадий адабиёт намуналарига нисбатан алоҳида қизиқиш уйғотади. Ўқитувчининг ҳис-туйғулардан холи бўлмаган нутқи ахборотларни тақдим этиш характерига эга бўлиб, ўқувчиларнинг китобхонлик фаолиятини ривожлантириш учун позитив метод ҳисобланмайди.

Ўқилган матнни ҳиссий идрок этиш муаллифнинг туйғуларини англашлари учун ўқувчиларга ўқитувчининг ҳис-туйғуларга бой нутқи кўмаклашади. Ўқитувчининг бундай нутқи ўқувчиларда бадий асарларни ўқиш мотивларини қўзғаб, китобхонликка ундейди.

С.Л.Рубинштейннинг таъкидлашича, матнни яхлит тарзда англаш фикрий фаолият маҳсулидир. Матнда объектив тарзда акс этган ҳолатлар ўқувчи онгода субъектив тарзда ўз ифодасини топади. Бу ўқувчининг шахсий-фикрий фаолияти маҳсули ҳисобланади.

А.П.Кашкаров эса ўқувчилар китобхонлигини тавсифлаб, уни шахсга йўналтирилган китобхонлик тарзида ривожлантириш зарурлигини таъкидлайди. У шахсга

йўналтирилган китобхонлик қуйидаги принципларга таяниши лозимлигини кўрсатиб ўтган:

1. Ҳар бир китобхоннинг бетакрорлигини тан олиш. Барча китобхонлар ёши, ҳаётий тажрибаси ва қўплаб омилларга кўра китобхонликка турлича ёндашади. У китобга ва мазкур фаолият натижасига нисбатан индивидуал муносабатни ифодалайди.

2. Ҳар бир китобхон бошқа шахсларнинг ҳам бетакрорлигини тан олади. Китоб муаллифи, атрофдагилар ва кутубхонасининг бетакрор қадрият эканлигини тушуниб етади.

3. Ўқувчи китоб воситасида бадиий асар қаҳрамонларининг ҳаракатларини таҳлил қиласи. Уларнинг нуқтаи назарлари ва фаолият мотивларини ўзиники каби қабул қиласи. Шу орқали ўқувчи ўзининг ижтимоий ролини намоён этади. Китобхон ва муаллиф орасидаги муносабат ўқувчида нуқтаи назарни таркиб топтиришга хизмат қиласи.

4. Ўқувчи бадиий асарни ўқиши, инсоният эришган ютуқлар билан танишиши натижасидагина, ўзи ўрганаётган ҳодисалар, жараёнлар, нарсаларнинг моҳиятини англаб етади. Натижада ўқувчи тарихий-маданий бойликлар билан муносабат ўрнатади, уларни ўзлаштиради. Атрофдагилар ва асар қаҳрамонлари билан алоқага киришиш жараёни амалга ошади. Шахсга йўналтирилган китобхонлик натижасида ўқувчида маданий бойликларга эгалик, толерантлик, позитив хулқ-атвор кўринишлари шаклланади.

5. Шахсга йўналтирилган китобхонлик ғояси барча ёш даврларда вужудга келиши мумкин. Масалан, болалар китобхонлиги, ижодий китобхонлик, ривожлантирувчи китобхонлик ва билишга асосланган китобхонлик ўқувчи шахсига йўналтирилган бўлади. Бундай китобхонлик натижасида ўқувчиларда шахсий сифатлар тизими шаклланади, бадиий адабиёт намуналарига нисбатан кучли қизиқиш вужудга келади[67; 26-29-б.].

Шу тариқа шахсга йўналтирилган китобхонлик ҳакида ушбу мақсадга йўналтирилган таълимий фаолиятни диагностика қилиш натижасида фикр юритиш мумкин. Бунда ўқувчи шахсининг индивидуал, табиий, шахсий сифатларига эътибор қаратилади. Ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро ҳамкорлиги натижасида ушбу принципларни амалга ошириш ва инсонпарварликка асосланган ёндашув доирасида ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига нисбатан қизиқиши шакллантириш мумкин.

Мотивацияга тўғридан-тўғри ички зиддиятлар орасидаги алоқадорлик таъсир кўрсатади. Бундай алоқадорлик сирасида китобхон онгидаги қарама-қаршиликлар, фаолиятидаги қарама-қаршиликлар, китобхон мулоқотидаги қарама-қаршиликлар киради. Китобхонлик даражасининг ривожланиши орасида зарурийлик ва эркинлик, эҳтиёжлар динамикаси ва қонуниятлари орасида қизиқишлирнинг ранг-баранглиги, установкаларнинг изчиллиги кузатилади. Шахс китобхонлигини ривожланиш аспектлари қуйидагилардан иборат: стереотипик-табиийлик, репродуктивлик-ижодий махсулдорлик, эволюцион-инволюцион, жўшқин-динамик, қулай-ноқулай. У З соҳада амалга ошади: китобхонлик онги, китобхонлик фаолияти, китоб билан мулоқот. Китобхонлик уч даражада намоён бўлади: долзарб, долзарблашувчи ва потенциал. У уч йўналишда амалга оширилади: стихияли, мақсадга йўналтирилган, мустақил бошқариладиган.

Китобхон шахс жамиятда муайян мавқега эга бўлади. Китобхонликнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда шахс ижтимоий-психологик ролларни бажаради. У

ўзининг ранг-баранг эҳтиёжларини онгли тарзда турли бадий асарларни ўқиш орқали қондиради.

Китобхоннинг шахсий қизиқишилари таркибида бир қанча бошланғич даражалар мавжуд:

- социологик: шахснинг ижтимоий-демографик маълумотлари, ижтимоий мавқеи ва ижтимоий нуқтаи назарлари.

- Ижтимоий-психологик таркибий йўналишлари: шахснинг дунёқараси, эътиқодлари, идеаллари, қадриятли йўналишлари, эҳтиёжлари, мотивлари, қизиқишилари, установкалари.

- Тажрибанинг ижтимоий-психологик-педагогик таркиби: шахснинг ҳаётий, китобхонлик тажрибаси, умумий касбий билимлари, умумий интеллектуал ва нутқий кўникмалари, малакалари, одатлари, китобхонлик мазмуни ва маданияти, коммуникатив маҳорати.

Ўқувчиларда бадий асар намуналарига қизиқиши шакллантиришда китобхонликнинг шаклланганлиги билан ҳар бир ўқувчида китобхонлик кўникмаларининг мавжуд даражасини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчиларда бадий адабиёт намуналарига қизиқиши шакллантиришда китобхонликка оид фаолиятни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Агар ўқувчи ўқиш техникасини етарли даражада эгалламаган бўлса, ўқиган асарининг мазмуни устида фикрлашга қийналса, бу шубҳасиз, истиқболда ўқиш мотивларининг ривожланишига салбий таъсир қўрсатади. Чунки ахборотлар кўлами кенгайган сари уни ўзлаштириш мураккаблашади. Бундай вазиятда ўқувчиларда бадий адабиёт намуналарига бўлган қизиқиши шаклланмай қолади. Улар китоб ўқишдан безадилар. Назарда тутилган кўникмаларни самарали шакллантириш учун ўқувчиларда бадий адабиёт намуналарига қизиқиши, уларни муентазам ўқиш ва тушуниш эҳтиёжини шакллантириш лозим.

Бадий асарларни ўқиб ўрганишга нисбатан мотивацияни ривожлантиришда ўқувчиларни асар муаллифи гояси ва нуқтаи назарларини тушунишга йўналтириш, уларда асар матнига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Бадий асар намуналарига бўлган қизиқиши ўқувчиларни фаол тарзда китобхонликка йўналтиради. Агар ўқувчининг фаоллиги ўқилаётган бадий адабиёт намунасини ўзлаштиришга йўналтирилса, билиш қизиқишилари ҳақида фикр юритилади. Агар ўқувчининг фаоллиги бадий адабиёт намунаси билан танишиш жараёнида асар қаҳрамонлари билан мулоқот қилишга йўналтирилса, турли-туман ижтимоий мулоқот шакллари ҳақида фикр юритилади.

Ўқувчилар бадий адабиёт намуналарини ўқиш жараёнида ҳар доим муваффақиятсизликлардан қочишга харакат қиласилар. Улар китобни ўқиб тушунишга қийналгандаридан ушбу фаолиятдан осонгина воз кечиб, компьютер билан мулоқотга киришадилар. Ўқувчилар китоб ўқишга даъват этганларидан ота-оналар ва ўқитувчилардан норози бўладилар. Бора-бора улар компьютер ва телевизорга қаттиқ боғланиб қоладилар. Ёмон баҳо олишдан кўрқиши хисси ўқувчиларда бадий асарни ўқиш истагининг йўқолиб боришига сабаб бўлмоқда. Аксарият паст ўзлаштирувчи ўқувчилар бадий асарларни

ўқишига мутлақо қизиқмайдилар. Бу эса уларнинг билиш фаолиятлари ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқишнинг барқарорлиги уларда китобхонлик фаолиятининг мунтазам ривожланишига асос бўлади. Ўқувчиларнинг бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқишилари уларда китобхонлик фаолиятининг кучли тарзда намоён бўлиши, чуқур англанган ҳолда амалга оширилиши, мунтазам давом этиши, барқарор шаклланиши, фикрларнинг бойишига кўмаклашишини таъминлайди.

Бадиий адабиёт намуналарини ўқишига нисбатан қизиқишнинг барқарор бўлмаслиги ташқи омилларнинг таъсири билан боғлиқ.

Ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқиши қўйидагича бўлиши мумкин:

- Ижобий ва салбий;
- Ташқи ва ички;
- Барқарор ва нобарқарор.

Китобхонлик майллари ижтимоий, тор шахсий ва билишга асосланган бўлади. Ижтимоий майллар бурч ҳисси, бошқадан орқада қолмаслийка интилишда кўринади. Тор шахсий характерга эга бўлган майллар эса атрофдагиларнинг эътирофи, шахсий муваффақиятга эришиш йўли, ўз-ўзини такомиллаштиришга интилишида ўз аксини топади. Билиш майллари эса янги билимларни ўзлаштириш истаги, ўз дунёқарашини кенгайтириш эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқиши мезонлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- Китобхонликка нисбатан ижобий ҳис-туйғуларга бой муносабат;
- Ўқувчиларни фаол тарздаги билиш ва шахсий фаолиятга йўналтиришга асосланган китобхонлик фаолияти;
- Мазкур йўналишларнинг барқарор характерга эгалиги.

Бошлангич синф ўқувчиларининг бадиий адабиёт намуналарига қизиқишиларининг юқори даражасига эришиш қўйидагиларда намоён бўлади:

- Китобхонлик фаолиятига нисбатан ижобий муносабат;
- Муайян бадиий асарларга қизиқиши;
- Китобхонлик жараёнини кенгайтириш ва унга ўқувчиларни жалб этиш;
- Китоб билан мулоқот жараёнидаги қониқиши ҳиссини синфдошлари, ўқитувчилари ва ота-оналари билан бўлишиш кабилар.

Кичик мактаб ёшида ўқувчилар учун бадиий асарлар ҳаётий зарурият манбаи бўла олмайди. Шунинг учун ҳам бундай асарларга бўлган қизиқишнинг юқорилиги кузатилмайди.

Бадиий асарларнинг ўқувчилар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши, катталар жумладан, ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан англатилади. Улар ривожланган сари бадиий асарларнинг аҳамиятини чуқурроқ англай бошлайдилар. Шундагина бадиий асарлар ўқувчилар фаолияти ва қизиқишнинг асосий манбаига айланади.

Ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқишнинг барқарорлиги уларда китобхонлик фаолиятининг мунтазам ривожланишига асос бўлади. Ўқувчиларнинг

бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқишилари уларда китобхонлик фаолиятининг кучли тарзда намоён бўлиши, чуқур англанган ҳолда амалга оширилиши, мунтазам давом этиши, барқарор шаклланиши, фикрларнинг бойишига кўмаклашишини таъминлайди.

Бадиий адабиёт намуналарини ўқишига нисбатан қизиқишининг барқарор бўлмаслиги ташқи омилларнинг таъсири билан боғлиқ.

Ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқиш қўйидагича бўлиши мумкин:

- Ижобий ва салбий;
- Ташқи ва ички;
- Барқарор ва нобарқарор.

Китобхонлик майллари ижтимоий, тор шахсий ва билишга асосланган бўлади. Ижтимоий майллар бурч ҳисси, бошқадан орқада қолмаслиикка интилишда кўринади. Тор шахсий характерга эга бўлган майллар эса атрофдагиларнинг эътирофи, шахсий муваффақиятга эришиш йўли, ўз-ўзини такомиллаштиришга интилишида ўз аксини топади. Билиш майллари эса янги билимларни ўзлаштириш истаги, ўз дунёқарашини кенгайтириш эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқиш мезонлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- Китобхонликка нисбатан ижобий ҳис-туйғуларга бой муносабат;
- Ўқувчиларни фаол тарздаги билиш ва шахсий фаолиятга йўналтиришга асосланган китобхонлик фаолияти;
- Мазкур йўналишларнинг барқарор характерга эгалиги.

Бошлангич синф ўқувчиларининг бадиий адабиёт намуналарига қизиқишиларининг юқори даражасига эришиш қўйидагиларда намоён бўлади:

- Китобхонлик фаолиятига нисбатан ижобий муносабат;
- Муайян бадиий асарларга қизиқиш;
- Китобхонлик жараёнини кенгайтириш ва унга ўқувчиларни жалб этиш;
- Китоб билан мулоқот жараёнидаги қониқиши ҳиссини синфдошлари, ўқитувчилари ва ота-оналари билан бўлишиш кабилар.

Кичик мактаб ёшида ўқувчилар учун бадиий асарлар ҳаётий зарурият манбаи бўла олмайди. Шунинг учун ҳам бундай асарларга бўлган қизиқишининг юқорилиги кузатилмайди.

Бадиий асарларнинг ўқувчилар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши, катталар жумладан, ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан англатилади. Улар ривожланган сари бадиий асарларнинг аҳамиятини чуқурроқ англай бошлайдилар. Шундагина бадиий асарлар ўқувчилар фаолияти ва қизиқишининг асосий манбаига айланади.

Бошлангич синф ўқувчиларида бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқиш китобхонлик воситасида шаклланади ва чуқур англанган бўлади. Мазкур даврда бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқишининг асосий натижаси ўқувчиларда вужудга келган китобхонлик фаолиятининг маҳсули сифатида уни кўпроқ ўқишига бўлган эҳтиёжнинг шаклланганлиги билан изоҳланади.

Бундай китобларга мурожаат қилишнинг мақсадини ўқитувчи белгилайди. Ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқишнинг шаклланиши асосан 1-2-синфларда амалга ошади. Бу даврда бошланғич синф ўқувчиларида эртаклар, достонлар ва ҳикояларга нисбатан алоҳида қизиқиш пайдо бўлади.

Шунинг учун хам таълимнинг дастлабки йилида ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига тўғри муносабатда бўлиш тажрибасини шакллантириш лозим. Бунинг учун ўқитувчи муайян асарларнинг ўқувчилар хаётида муҳим аҳамият касб этишини мунтазам тушунтириб бориши керак.

REFERENCES

1. Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори 1-иловаси / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.01.2020 й., 09/20/1059/4265-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-4354-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.06.2019 й., 07/19/4354/3275-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси матни. <http://uza.uz>
4. Адизов Б. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари. Пед. фан. докторлик ...Дис – Т.: 2002.–276 б.
5. Болибеков А.А. Адабий таълим орқали ўқувчилар ахлоқий фазилатларини такомиллаштиришда ҳадислардан фойдаланиш: Педагогика фанлари номзоди. ...Дис. - Тошкент, 2008. - 156 б.
6. Ганиева Б.И. Кутубхоналарда болалар ўқиши маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари. Педагогика фанлари номз. ...Дис - Тошкент, 2008. - 160 б.
7. Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси. Олий ўқув юртлари учун. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. - 411 б.
8. Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... Дис. – Тошкент, 1997. – 256 б.
9. Матчон Сафо. Китоб ўқиши биласизми? – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 140 б.
10. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. - Тошкент: Фан, 2006. - 112 б.
11. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари док. ...Дисс - Тошкент, 1993. - 364 б.
12. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. - Спб.: Питер, 2010. - 713 с.
13. Тихомирова И.И. Великое переселение в мир духовности // Библиотека. – М., 2002. - № 2. - С.41-43.
14. Толстой Л.Н. Круг чтения. Афоризмы и наставления. – М., Академия, 2013. - 980 с.

15. Ҳусанбоева Қ.П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: пед.фун.док. ...Дис. – Тошкент, 2007. – 262 б.
16. Қаюмхўжаева Ё. Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш имкониятлари. - Тошкент: ТДМИ, 2007. - 48 б.